

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ
ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб темир йўл соҳасини ривожлантиришга бўлган катта эътибор натижасида мазкур тармоқда юксак марраларга эришилмоқда. Бугунги кунга келиб темир йўл транспорти тизими ўз тараққиётининг янги bosқичига кўтарилди.

Темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мураккаб тоғ ва чўл шароитларида янги темир йўللари барпо этиш, тез-юрак поездлар ҳаракатини ташкил қилиш, темир йўллари электрлаштириш, юк ва йўловчи ташкил вагонларини ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши нафақат транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, балки бутун мамлакатни тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган «Навоий — Учкўдўк — Нукус — Султонувайсоғ», Амударё узра қурилган кўприк, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» ва «Ангрен — Поп» темир йўллари қурилиши Ўзбекистонда мустақил, ягона темир йўл тармоғини шакллантириш имконини яратди.

Мустақиллик йилларида юртимизда темир йўл соҳаси мураккаб тикланиш ва ривожланиш

йўлини босиб ўтди. Натижада мамлакатимизнинг барча минтақаларини бир-бири билан ишончли ва самарали боғлайдиган ҳамда халқаро транспорт йўлларида чиқиш имконини берадиган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими барпо этилди.

«Ангрен — Поп» темир йўли ва туннелининг қурилгани ва фойдаланишга топширилгани Фарғона водийси вилоятларини республикамизнинг қолган ҳудудлари билан мустаҳкам боғлади, ушбу темир йўл Хитой — Марказий Осиё — Европа янги темир йўл транзит йўлагининг ажралмас ва муҳим бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникацияларини ва инфратузилмасини янада ривожлантиришга 7,5 миллиард долларлик капитал йўлларидан, шу жумладан, 2,4 миллиард доллар миқдорда хорижий инвестициялар йўналтирилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан янги темир йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган инновация лойиҳаларини тармоққа жорий этиш,

янги иш ўринлари яратиш, соҳа учун замонавий билимли кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Темир йўлларда юк ва йўловчиларни ташкил ҳажмининг ошириш, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида охириги йилларда эришилган ютуқларни ҳисобга олиб ҳамда соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган кенг жамоатчиликнинг тақлифларини инобатга олиб:

1. 2017 йилдан бошлаб август ойининг биринчи яшанба кунини «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини» деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, мутасадди вазирлик, идора, ҳўжалик

бирлашмалари ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини соҳага мос тарзда, тантанали равишда ўтказишни таъминлашсинлар.

3. Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 августЎзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш ИНОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Тўғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича қўрилган чоралар қўрилган натижаларни берма-япти. Чақалоқларни перинатал скрининг қўригидан ўтказиш тўғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ногиронлиқнинг кейинчалик олдини олишни таъминламайпти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг қўригидан ўтказишни ташкил этиш ва олиб боришдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қўлай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш талаб этилади.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими мавжуд эмаслиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганиги ногиронларнинг ижтимоий аҳолини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермаёпти.

Ногиронлиқни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлланилаётган мезонлар

40 йил аввалги услубиётга асосланган, мазкур соҳада чўқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўртача 2 фойзни ташкил қилади, бу эса масъул идораларнинг ушбу соҳадаги иши қониқарсизлигидан далolat беради.

Баён этилганларни инобатга олиб, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлаштиришда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия иловога мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нўқтаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш;

ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлаштириш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни

давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;

тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очикилиги таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта қўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳолининг таҳлил қилиш;

ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситаларини ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва тақлифлар тайёрлаш;

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўққинлиқсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, тўғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 августЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА
ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК
КЎРИШ — ДОЛЗАРБ
ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 2 август кунини умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошқалари, олий таълим муассасалари ректорлари, ўқитувчи ва педагоглар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасида ота-оналардан бўлаётган мурожаатларда умумтаълим мактабларида 10-11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўплаб тақлифлар билдирилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, олий таълим муассасалари ректорлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойларда ота-оналар ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришига оид фикрлари ўрганилди.

Бу жараёнда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Йиғилишда ота-оналар ва болаларнинг шу борадаги хоҳиш-истакларини тўлиқ ҳисобга олиш ва рўёбга чиқариш зарурлиги, уларнинг овози бўлишига йўл қўймаслик, шундай ҳолатлар юз берган тақдирда тегишли туманлар ҳокимлари, халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар қўрилиши таъкидланди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шу йил 20 августга қадар ҳар бир ўқувчининг аниқ мактаб, лицей ёки касб-хунар коллежида ўқишни давом эттиришини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Селектор йиғилишида ўқувчилар ва ота-оналарнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ўқувчиларга касб-хунар ўргатишнинг янги тизими — ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини жорий этиш масаласи муҳокама қилинди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар бу мажмуаларни ўқув жиҳозлари, касб-хунар ўрганиш учун зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича масъул идора ва шахслар белгиланди.

ШАФФОФЛИК ТАМОЙИЛАРИ АМАЛДА
БЎЛҒУСИ ҲУҚУҚШУНОСЛАР
УЧУН АДОЛАТ
ТЕСТ СИНОВЛАРИДАН БОШЛАНАДИ

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига Ш А Р Ҳ

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган балоаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар қўтилган натижани бермаяпти.

Жумладан, жорий йил 1 январь ҳолатига **650 284** нафар шахс ногирон деб топилган, уларнинг **84 908** нафарини **16** ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Уларга ҳар йили Давлат бюджетидан **2,5 триллион сўм** миқдоридан пенсия ва нафақалар тўланади.

Ўрганишлар соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳомиладор аёлларнинг **60** фоиздан ортиғи скрининг текширишлари билан қамраб олинмаганини кўрсатади. Касалликлар ўз вақтида аниқланмагани оқибатида **3 568** нафар бола туғма нуқсонлар билан туғилган.

Республикада чақалоқларга нисбатан ўтказилаётган перинатал скрининг тадқиқотлар фақат икки турдаги тадқиқотлар ўз ичига олади (қалқонсимон без гармони етишмовчилиги, ақлий қолоқликка олиб келадиган нуқсонлар) ҳамда бу туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ногиронликнинг кейинчалик олдини олиш учун етарли бўлмаяпти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг тадқиқ этишни ташкил қилиш ва ўтказишдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятида бюрократик тартиб-таомиллар бартафат этилган. 2016 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «ишонч телефони»га **5 521** та мурожаат келиб тушганлиги ҳам бундан далолат беради.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими, ногиронларга имтиёзли шартларда бериладиган дори воситалари ва ортопедия буюмларининг ягона электрон ҳисоботи ҳамда ушбу соҳада шаффофликнинг мавжуд эмаслиги ногиронларнинг ижтимоий аҳолини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермайди, алоҳида ҳолларда коррупция, талон-торож ва бошқа суиестеъмолчиликларни келтириб чиқаради.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган ногиронларнинг кириши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма амалиётда тўлиқ рўёбга чиқарилмапти. Ногиронларнинг спорт, маданият, таълим ва бўш вақтини мазмунли ўтказадиган бошқа ижтимоий объектлардан эркин фойдаланиши лозим даражада таъминланмаган. Имконияти чекланган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказадиган махсус жойларни ташкил этиш бўйича ташаббус мавжуд эмас.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни модернизация қилиш талаб этилади.

Республикада ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича **7** та корхона фаолият юритади, уларнинг атиги **2** таси замонавий талабларга жавоб беради. Бошқа корхоналарда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар маънан ва жисмонан эскирган бўлиб, бу тайёрланадиган буюмларнинг, биринчи навбатда, протез-ортопедия буюмларининг сифати ва қулайлигига таъсир кўрсатади.

Ваколатли давлат органларининг ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти ёрдамга муҳтож шахсларни қидириш ва ҳисобга қўйишга ҳоҳиш йўқлиги сабабли, қонда тарикасида, айнан ногиронларнинг аризалари асосида ташкил этилади.

Ногиронларга таълим беришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, уларни меҳнат фаолиятига жалб этиш даражаси ўта паст ҳисобланади, бу масъул идораларнинг ушбу йўналишда етарли иш олиб бормайтганлигидан далолат беради.

Шу сабабли, давлат раҳбарининг жорий йил 1 августда қабул қилинган фармойиши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлаштиришда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида фармойишга мувофиқ **Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия** ташкил этилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қўйиладиган белгиланган: ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуктаи назардан инвентаризация ва таҳлил қилиш; ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлаштириш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;

тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очикилиги таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказиш соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта қўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳолини таҳлил қилиш;

ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва тақлифлар тайёрлаш;

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўқсизликсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш; ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўрта-сид соғлом турмуш тарзини, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тарғиб қилишни тубдан қуйғатириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, Комиссияга ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва мuddатда бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этиш, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаш, шунингдек, жорий йил 15 сентябрга қадар мuddатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асослангилган тақлифларни киритиш топширилди.

Фармойишда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштиришга, таълим олиш ва ишга жойлаштиришда уларга ҳар томонлама қўмаклашишга, коррупциявий қўринишлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни бартафат этишга, пировард натижада ногиронлар тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур шароитларни яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон ХДП фракцияси позицияси:

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ

ҳар томонлама мукамал бўлиши зарур



Ҳотамжон КЕТМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси
раҳбари:

— Жорий йилнинг 30 июль ҳамда 1 август кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибига 22 масала киритилди. Биз бу галги ялпи йиғилишга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, Экоҳаракат вакиллари ва депутатлар билан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида янгича ёндашув билан тайёргарлик кўрдик.

Ҳар бир қонун лойиҳаси ялпи мажлисдан олдин фракцияимизда партияимиз дастурий мақсадлари ва электрот манфаатларидан келиб чиқиб, муҳокама этилди. Аввало, ушбу қонун лойиҳалари Ҳаракатлар стратегияси ва Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили тўғрисидаги давлат дастурида белгиланган йўналишларни ҳамда вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилганини таъкидлаш жоиз. Яъни, мазкур қонун лойиҳалари

мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Ялпи мажлисда қўриб чиқилган қонун лойиҳалари ижтимоий ҳимоя, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун фракцияимиз қонун лойиҳаларига принципиал нуктаи назардан ёндашди. Айни пайтда фракцияимиз аъзолари томонидан уларни янада такомиллаштириш бўйича қатор фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Фракцияимиз аъзолари кун тартибидagi қатор қонун лойиҳаларига партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аниқ позицияларини илгари сурди. Жумладан, «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекс

Уларнинг асосий мазмун-муҳияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, асоссиз равишда жавобгарликка тортишнинг олдини олиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда ортиқча овозагарчиликларга рўпара бўлмасликларини таъминлашдан иборат бўлди.

«Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига фракция аъзолари томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Унда аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар қамраб олинган.

Бу борада фракцияимиз ўз позициясига эга. Яъни, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг асосий принципларини белгилашда бундай ахборотдан барча эркин фойдаланиши мумкинлигига эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, ҳуқуқий ахборот-

Хусусан, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Фарғона вилоятида партия вилоят кенгаши ва депутатлар иштирокида муҳокамадан ўтказдик. Муҳокамалар пайтида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш билан бирга, мурожаат этиш маданиятини юксалтириш омилларига ҳам эътибор қаратилди. Яъни, ҳар бир мурожаатда қўрилаётган масала аниқ-равшан ифода этилиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ўтказилаётган муҳокамалар ва уларда олинган фикрлар қонун лойиҳалари бўйича фракция муносабатининг ҳаётлигини таъминлашга хизмат қилди. Бу ўринда партия фаоллари, депутатлари ва кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этганини қайд этиш жоиз.

Шу ўринда парламентда қонун лойиҳалари муҳокамаларини самарали ташкил этиш қатор омиллarga боғлиқ эканини унутмаслик лозим. Айрим ҳолларда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари ўз ўрнига бошқа ходимларни юбориши кузатилади.

Бунинг натижасида қонун лойиҳалари муҳокама чоғида депутатларнинг қатор саволларига тўлиқ жавоб олиш имкони бўлмайди. Бу эса қонун лойиҳаларини маромига етказишга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта.

Шунинг учун парламентдаги муҳокама жараёнида мутасадди вазирлик ва идораларнинг етарли малакага эга бўлган масъул мутасаддилари иштирокчи таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида мувофиқ деб ўйлаймиз.

Умуман, фракцияимиз парламент қўйи палатасида қўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари бўйича аниқ ва қатъий позициясини шакллантириб боради. Бу борада асосий мақсад қонунлар пишиқ-пuxта бўлиши ҳамда жамиятдаги барча қатламларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланишига эришишдан иборатдир.

Фракцияимиз бундан буён қонун лойиҳаларини ҳудудларда жамоатчилик, электрот вакиллари ҳамда тегишли соҳалар мутахассислари иштирокида муҳокамалардан ўтказишга жиддий эътибор беради.

сига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларида фуқаролар манфаатидан келиб чиқиб, муайян нормаларни олиб ташлаш ёки янги нормалар билан бойитиш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилди.

нинг ошқоралиги ва очиқлиги, қидириш ва олишнинг эркинлиги каби ҳусусиятларга бетарафлик ва холислик принципларини ҳам киритиш зарур.

Фракцияимиз бундан буён қонун лойиҳаларини ҳудудларда жамоатчилик, электрот вакиллари ҳамда тегишли соҳалар мутахассислари иштирокида муҳокамалардан ўтказишга жиддий эътибор беради.

ЎзХДП гуруҳларида

ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ХАЛҚ СЎРОВИ

Айрим мутасаддилар нега бунини тушунишни истамаяпти!

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг давлат бошқаруви органлари устидан назоратини, ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ тақлиф, муқобил дастурларини илгари сурш борасидаги фаолиятини қучайтириш бугун олдимизда турган энг асосий вазифалардан биридир. Шу маънода, ҳар бир депутат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиб бориш, ечимини қутаётган масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатиш талаб этилмоқда.

Бугун Жиззах вилоятида партияимиздан сайланган 119 нафар маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолият кўрсатмоқда. Ўрни келганда айтиш керакки, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида муайян ишларни амалга ошираётган депутатлар ҳам, депутатлик сўровларига ўз вақтида муносабат билдираётган раҳбарлар ҳам кўпчилигини ташкил этади.

— Депутат сўрови жамоатчилик назоратининг бир қўриниши, партия электрот вакиллари қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг синалган воситаси, — дейди **Жиззах вилоят партия кенгаши депутатлик бирлашмалари иштини мувофиқлаштириш ва жамоатчилик қабулхоналари билан ишлаш бўлими мудири Дилшод Норматов**. — Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ваколатлари доирасида жорий йил бошидан бери муаммолари масалалар ечимлари юзасидан мутасадди корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига жами 187 сўров киритилди. Тўғри, уларнинг кўпчилигига белгиланган мuddатларда жавоб олинди. Аммо 19 депутат сўровига умуман жавоб бўлмади.

Масалан, **Янгибод туман Кенгаши депутати Ҳаётжон Сулаймоновнинг туман электрот тармоқлари корхонасига, Жиззах**

шаҳар Кенгаши депутати **Ҳалима Неъматованинг вилоят автомобил йўллари ҳудудий бошқармасига, Пахтакор туман Кенгаши депутати Озодой Қўшбоқованинг «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимига, Арнасой туман Кенгаши депутати Усмон Қўноновнинг туман солиқ инспекциясига, Шароф Рашидов туман Кенгаши депутати Аҳром Раҳимовнинг туман ободонлаштириш бошқармасига киритган сўровларига орадан 4-5 ой ўтётганига қарамасдан, ҳалигача жавоб йўқ.**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни депутатта мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборадилар.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонундан

Ҳар бир сўров ортида инсон манфаати туради. Бу масалага бепасанд қарашга ҳеч қимнинг ҳақи йўқ.

Яқинда Президентимиз Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида «Депутатга бепасандлик — халққа бепасандлик деб баҳолашни шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўқсизлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради», деб алоҳида

таъкидлаб ўтганидан хабаримиз бор. Ўйлаймизки, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари томонидан киритилган сўровларга мuddатда жавоб қайтармаган ёки жавоб беришни лозим кўрмаётган мутасаддилар бу гаплардан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олишади.

— Катта-кичик раҳбарларимиз депутатнинг ҳар қайси тақлифи, ташаббусига эътиборли бўлиши лозим, — дейди **Мирзақул туман Кенгаши депутати Ҳаким Намозов**. — Одамларнинг, сайловчиларнинг ўй-таъвишларини енгиллаштириш ҳаракатида фаолият юритаётган депутатларга ҳар ҳафтадан ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлашни ўзлари учун бурч, вазифа, деб қарасалар мақсадга мувофиқ бўларди. Бу билан улар мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг босқичма-босқич, сифатли амалга оширилишига ҳисса қўйишди, жойларда ислохотларнинг бевосита иштирокчиси ва ижрокчисига айланишади. Бундан эса уларнинг ўзлари ҳам, сиёсий партиялар ҳам, халқимиз ҳам бирдек манфаатдор бўлади.

Ҳаким Намозов биз билан суҳбатда яна бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтди:

— Очиғини айтиш керак, сўровларни жўнаштиришда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланиб турибди. Хусусан, депутатларимиз сўровлар юборишда базан бир сайловчиларнинг мурожаати билан чекланиб қолмоқда. Аслида депутатлик сўрови ҳудуддаги кўпчиликни ўйлантираётган масала, қонунлар, қарор ва фармонлар ёхуд давлат дастурларининг ижроси юзасидан умумлаштирилган хулосаларга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Ана шунда битта сўров орқали кўпчиликни ўйлантираётган муаммоларни бартафат этиш имкони ортади, қонуний меъёрлар таъминланади.

Иброҳим ЖОНУЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар қўтилган натижани бермаяпти.

ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БИРГАЛАШИБ ЕНГАМИЗ



УИА суратлари.

Мустақиллик ҳаётимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Қалбимизда она Ватан туйғуси тобора мустаҳкамланиб, дахлдорлик ҳисси ортмоқда. Айниқса, истиқлолнинг 26 йиллиги арафасида юз бераётган тарихий ўзгаришларни биз қорақалпоғистонликлар ҳам ўз турмушимиз мисолида кўриб турибмиз.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш яқинда Қорақалпоғистон Республикасига келганида жамоатчилик вакиллари билан учрашди, БМТ томонидан Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалар натижаси билан танишди. Бир вақтлар мавж уриб турган денгиз суви кейинги 50-55 йилда 15 мартадан зиёд камайиб, сув сатҳи 29 метрга пасайгани, ҳудудда 5,5 миллион гектар тузли қум майдонлари ҳосил бўлгани қайд этилди.

Нуфузли халқаро таъкидот раҳбарларининг Қорақалпоғистонга ташрифи, Орол денгизи муаммоларини шахсан ўзи ўрганиши бу — маъжур глобал экологик инқироз нафақат Ўзбекистон балки бутун дунё халқларини даҳшатга солаётганини кўрсатиб турганида. Бугунги кунда 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурга асосан Мўйноқ туманида умумий қиймати 4 миллиард сўмликдан зиёд 50 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

Жорий йил бошида Мўйноқ тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга қаратилган Қўнғирот-Мўйноқ сув иншооти қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бошланган эди. Ўтган ярим йил мобайнида 101 километр масофага қувурлар ётқизирилиб, бир кеча кундузда 7 минг кубометр тоза ичимлик суви етказиб бериш имконияти яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган маъжур бунёдкорлик ишларига 26,6 миллиард

сўм сарфланди. Қурилиш-монтаж ишлари бош пудратчи — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли маъжур кўча механизациялашган станция қурувчилари томонидан амалга оширилди.

Бу халқимизнинг кўп йиллик орзу-армони эди, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Жанабой Жуеипов. — Шу пайтгача аҳоли дарё ёки ерости сувида фойдаланиб келар эди. Бундай ҳайрли ишга бош бўлган мамлакатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Сув билан бирга қалбларимизга нур, шукроналик кириб келди. Неча йиллардан буён тоза ичимлик сувига муҳтож бўлган одамларнинг қувончини кўриб, кўзларингга ёш келади...

Президентимизнинг «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида нафақат туман маркази, балки энг чекка овуллардаги аҳолини ҳам сифатли ичимлик суви билан таъминлаш назарда тутилган. Нукус, Бериш, Мўйноқ, Қўнғирот ва Қораўзақ туманларининг сув таъминоти тизимини яхшилаш ва модернизациялаш лойиҳаси доирасида бюртмачи Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Осиё тараққиёт банкнинг молиявий кўмагида Мўйноқ туманининг 6 аҳоли пунктида яшовчи мингга яқин хонадон аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланади. «Мўйноқ-Учсой» сув тармоғи яна узайтирилиб, энг олис овулларга ҳам етиб боради...

Албатта, Орол фожиаси туфайли ушбу минтақада юзага келган экологик офат оқибатларини юмшатиш, жаҳон жамоатчилиги эътиборини бу муаммага қаратиш, қорақалпоқ халқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориляпти.

Ҳозир Оролнинг қуриган қисми — 5,5 миллион гектардан зиёд майдон саҳрога айланди. Оқибатда қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориляпти.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, воҳада камайиб бораётган ўсимлик турларини ўрганиш, уларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш йўлида муайян натижаларга эришилмоқда.

Саҳро бағрида яшил қалқон барпо этилиб, атроф-муҳит мусофоллигини таъминлаш, ҳудуд биохимла-

— Мен 40 йил Мўйноқда балиқ овладим, — дейди **кекса балиқчи Алмас ТОВАШЕВ**. — Аҳолининг 80 фоизи балиқчилик касби билан кун кўрар эди. Ҳозир денгизда ҳаёт тўхтади. Натижада иқлим ўзгарди. Минг йиллардан бери барқарор бўлиб келган табии атизимиз бузилди. Тўқай ва қамишзорлар майдони қисқариб кетди. Бу ўз навбатида ўсимлик ва ҳайвонлар сонининг камайиб, айрим турларининг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келди. Орол тубидан ҳар йили 100 минг тоннадан ортиқ қум кўтарилмоқда. Унинг зарралари Европа давлатларига ҳам етиб бораляпти. Бу албатта аҳолининг соғлиғига, санитария-эпидемиология ҳолатига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

— Дастурхонимизда ҳамиша балиқ икраси ва 30-40 хил балиқ таомлари бўлар эди — дейди **пенсиянер Бибижан УТАМБЕТОВА**. — 5

Ҳозир Мўйноқ туманига тез-тез қадам ранжида қилаётган чет эллик

сайёҳларнинг денгизда мотор қайиқларда сайр этиб юрганига кўзингиз тушади. Бу ерда баландлиги 18 метрли «Мўйноқ маёғи»ни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

хиллигини асрашдек эзгу ишлар давом этмоқда. 350 минг гектар майдонда иқлим шароитига мос бўлган қандим, черкес, саксовул экилиб, тузли чанг-тўзон кўчишининг олди олинмоқда.

Бугун Оролбўйи минтақасида ҳаёт манзаралари бутунлай ўзгармоқда. Барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда замонавий қорхоналар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, коммуникация тармоқлари барпо этилаётганини кўриб, кишининг кўзи қувонади.

нафар фарзандим, 10 нафар набирам бор. Бошқа оилалар ҳам серфарзанд. Ҳозир мен уларнинг келажagini ўйлайман. Орол муаммоси туфайли аёлларда камқонлик, ўсма касалликлари, аҳоли ўртасида ўлка ва бўқоқ касалликлари, туғма нуқсонлар билан туғилган болалар сони кўпайди. Буларнинг ҳаммаси менинг кўз ўнгимда содир бўлмоқда...

— 1998 йилда Мўйноқ туманида туғилганман, — дейди **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоли Нурғиза БОТИРОВА**. — Орол денгизининг

муаммолари биз ёшларни ҳам четлаб ўтмайди, албатта. Орол муаммоларининг салбий оқибатларини тугатиш борасида Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ишлар натижа-си ҳаётимизга ижобий янгиланишлар олиб кираётганини амалда кўраёلمиз.

Туманда газ, электр энергияси таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳадаги барча муаммоларнинг ҳал қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Оролбўйи минтақасига экотуризмнинг олиб кирилиши, денгиз ҳудудидан шифобахш минералларга бой балиқчида давола-ниш учун замонавий, халқаро стандартларга жавоб берадиган ором-гоҳлар, сийҳатгоҳлар яратиш ишлари диққатга сазовордир.

Ҳозир Мўйноқ туманига тез-тез қадам ранжида қилаётган чет эллик сайёҳларнинг денгизда мотор қайиқларда сайр этиб юрганига кўзингиз тушади. Бу ерда баландлиги 18 метрли «Мўйноқ маёғи»ни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Тумандаги ўлкашунослик музейи қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди.


Ҳозир Мўйноққа келсангиз, бу ерда экофестиваллар ўтказилишига тайёргарликлар кўриляётганининг, «Оролнинг 99 миллий таоми» мавзусидаги гастрофестивал, ёзувчи-шоирлар, олимлар, адабиётшунослар, китобсеварлар билан бирга Аҳинёз, Бердақ бобоимизнинг адабий анжуманлари ўтказиш учун олиб борилаётган кенг қўламли ҳозирлик ишларнинг гувоҳи бўласиз. Туманининг кенг ва раво кўчаларида қад ростлаган кўркем тўйхоналар, кафе, ресторо-нлар, замонавий иншоотларни кўриб, кўз тўймайди.

Орол муаммоси масалалари сабр-қаноатли, метин бардошли халқимизни янада жипслаштиради, халқаро ҳамжамият билан биргаликда бу маммоларни енгиб ўтишимизга ишонамиз

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА одамлар қиёфасини таниш дастури синовдан ўтказилмоқда



Берлинда жамоат жойларида одамларнинг юз қиёфаларини автоматик тарзда фарқлаш компьютер дастурини синовдан ўтказиш бошланди.

Хабарга кўра, ярим йил давом этувчи лойиҳада иштирок этиш учун 250 киши рўйхатдан ўтган. Уларнинг фотосуратлари ҳамда исмлари тизимда сақланиб қолинди.

Темирйўл станциясида ўрнатилган кузатув камералари лойиҳа доирасида йўловчиларни суратга олиб боради, маъжур компьютер дастури эса, қиёфаларни маълумотлар базасида сақланиб қолинган фотосуратлар билан солишти-тиради.

Мутохассисларнинг сўзларига кўра, лойиҳани амалга ошириш кидирувдаги жиноятчиларни аниқлаш ва жамоат хавфсизлиги даражасини оширишга имкон беради.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ АҲОЛИСИ мигрантлар ҳисобига 1,5 миллионга ўсган



2016 йилда Европа Иттифоқи аҳолисининг сони 1,5 миллион мигрант ҳисобига ўсган ва 511,8 миллион кишини ташкил этган. Шу ҳисобдан Германияда аҳоли сони 625 мингга, Францияда эса 270 мингга кўпайган.

Маълумотларга кўра, 2016 йилда Европада туғилиш ва ўлим сони деярли баробар бўлган. Шу сабабли аҳолининг табиий ўсиш сони деярли нолга тенг бўлган.

Аҳоли сонининг энг катта қисқариши Литва, Латвия, Эстония, Руминия, Хорватия, Португалия ва Италияда қайд этилган.

ЭНГ УЗУН осма кўприк



Швейцариянинг Вале кантонида узунлиги 494 метрни, эни эса 65 сантиметрни ташкил қиладиган осма кўприк очилди. У дунё рекордини янгилаб, жаҳондаги энг узун пиёдалар осма кўпригига айланди.

Ҳомийларидан бири шарафига Чарльз Куонен деб номланган кўприк ердан 80 метр баландликда бўлиб, Грэхен ва Церматт аҳоли пунктларини боғлайди.

Маълум қилинишича, кўприк қурилишига 750 минг доллар сарфланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Халқаро кўргазма

Ўзбекистон соҳибкорлари Европа кўргазмасида

Мамлакатимиз иқтисодиётига илгор технологиялар ва хорижий сармояларни жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, иқтисодийнинг сармоявий жозибадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги хорижий таърибаларни ўрганиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар юртимиз вилоятлари вакилларининг турли соҳалардаги янги техника ва технологиялар намоиши этилаётган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишлари-га кўмаклашмоқда.

Ана шу мақсадда мамлакатимиз делегацияси Европадаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йирик кўргазма-лардан бири — Бельгиянинг

Либрамон шаҳрида шу йилнинг 28-31 июль кунлари бўлиб ўтган «Foire de Libramont-2017» тадбирида қатнашди. Кўргазмада Бельгия ва Европанинг фермерлари ва агротехника ишлаб чиқарувчилари ўзларининг 820 дан зиёд маҳсулотларини намоиш этдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонлик мутахассисларнинг маъжур тадбирда иштирок этишлари мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Делегация таркибидан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур бўлган технологияларни жалб этиш имкониятларини ўрганувчи вилоят маъмурияти вакиллари ва тадбиркорлар ўрин олишди.

Кўргазма доирасида хорижий шериклар билан қорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича илгор ускуналар ва технологияларни Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариш имкониятлари муҳокама қилинган учрашувлар бўлиб ўтди. Музоқаралар ва кўргазмада қатнашшиш жараёнида ўзбек ва европалек фермерлар ўртасида фойдали алоқаларни ўрнатадиган кўргазма иштироки билдирилди, фермер хўжаликлари лойиҳалаштириш, шакллантириш ва улар-га хизмат кўрсатиш бўйича таъриба алмашиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Бельгиянинг йирик шохли қорамоллар етиштириш бўйича «Belgian Blue Herd-Book» уюшмаси бош котиби П.Мальо «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва соҳанинг жадал ривожланиш сурьатларини, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Хара-катлар стратегиясида кўзда тутилган иқтисодий тармоқлари ва мамлакат минтақаларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш тадбирларини олқилади.

Биз Ўзбекистон компаниялари ва фермерлари билан мамлакатнингизда Бельгиянинг тоза насли йирик шохли қорамолларини етиштириш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёремиз, — деди у. — Мен мутахассислар билан бирга ушбу соҳадаги имкониятларни ўрганиш ва ўзбек ҳамкасбларимиз билан тўғридан тўғри алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида юртимизга боришни режалаштирмоқдаман.

Ўз навбатида, «АВЕ» Валлония чорвачилик уюшмаси бош менежери К.Бокарт мамлакатимизнинг иқтисодий муваффақиятларидан яхши хабардор эканлигини намоиш қилди.

— Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожлантиришга қаратилган

алоҳида эътибор туфайли йирик шохли қорамоллар сони-ни янада кўпайтириш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш ҳар икка-ла томонда ўзаро манфаатли қилиш учун йўғотилади, — деди К.Бокарт. — Мен Валлония уюшмаси аъзолари учун Ўзбекистоннинг агроаноат салоҳияти тақдимотини ташкил этишга тайёрман.

«Robert» компаниясининг экспорт бўйича бош менежери А.Муа Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан мамлакат қишлоқ хўжалик соҳасининг ривож қилинишига маълумотлар унга соҳанинг имкониятларидан янада кўпроқ хабардор бўлиш имконини берганини қайд этди.

— Ўйлайманки, Ўзбекистон делегациясининг Либрамонга ташрифи муваффақиятли ўтди ҳамда ушбу тармоқда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва илгор таъриба ал-лашнинг ривожлантиришга хизмат қиладиган, — деди А.Муа.

Ҳозир Оролнинг қуриган қисми — 5,5 миллион гектардан зиёд майдон саҳрога айланди.

ОГОҲЛИК

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ақл бовар қилмайдиган даражада ривожланиб бормоқда. Буни оддийгина интернет мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Айни дамда дунё миқёсида қандай воқеа-ҳодиса содир бўлаётганидан хабардор бўлиш учун компьютер ёки қўлимиздаги мобиль телефон орқали интернетга улансак бас, ҳар қандай маълумотга бир зумда эга бўламиз.

ҲАЙДОВЧИ ҚАНЧА ҲУШЁР БЎЛСА

йўл-транспорт ҳодисалари шунчалик камаяди

Бир неча кун олдин жамоат транспортида кетаётганимда беихтиёр икки кишининг суҳбати қўлогимга чалиниб қолди. Улар пойтахт кўчаларидан бирида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида таассуф билан гапирарди.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги пайтларда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг бир қанча сабаблари бор. Бунга транспорт воситаларининг кескин ошиши, пиледалар томонидан йўл ҳоидаларига амал қилмаслик кабиларни киритиш мумкин.

Ишонамга келишим билан ижтимоий тармоқларнинг бирида берилган хабарга кўзим тушди. Унга кўра, жорий йилнинг 16 июль тоғида тахминан соат 5:00 да пойтахтнинг Сергели тумани ҳудудида катта тезликда ҳаракатланган «Spark» русумли автомобиль ҳалокатга учраган. Унинг ичидаги 3 киши воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган... 17 июль кuni Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида «Damas» русумли енгил автомобиль катта тезликда «Камаз»га урилиб, воқеа ҳалокати ажуланган...

Ҳўш, бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари кўпинча қандай ҳолатларда содир бўляпти? Биз ана шу савол билан икки ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси инспектори, капитан **Акмал Юнусов**га мурожаат қилдик.

— Тўшкент йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилга нисбатан анча камайган. Жорий йилнинг ўтган олти ойида республика автомобиль йўлларида жами 4081 йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, 985 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган. 3928 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Агар ушбу маълумотларни 2016 йилнинг ушбу даври билан солиштирадиган бўлсак, ҳодисалар сони 124 тага, ҳалок бўлганлар сони 11 нафарга ва тан жароҳати олганлар 166 нафарга камайганини кўраимиз.


Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз ҳудудидаги барча асосий йўлларда, туман, шаҳар ва қишлоқ йўлларида фоторадар назорати кўпайтирилмоқда, шу билан бирга ЙХХХ ходимларининг бу борадаги малакаси ҳамда тажрибаси оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, хабарингиз бор, пойтахт кўчаларига, чорраҳаларига ўрнатилган видеокузатув ҳаракатдаги барча автомобилларни назорат қилиб боради.

Бу янгиликлар замирида ҳайдовчининг ҳушёрлигини ошириш, автомобилда ҳаракатланаётган чоғида бирор нарсага бир сония бўлса ҳам чалғимаслик, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадлари мумкин. Ҳар бир транспорт воситаси эгаси эрталаб йўлга чиқканда, кечкурун оиласи бағрига эсон-омон этиб олишни ният қилади. Бунинг учун эса у ҳар доим ҳушёр бўлиши керак.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЎЛҒУСИ ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧУН АДОЛАТ

тест синовларидан бошланади



қўйилмади. Ўз билими ва иқтидорига ишонган абитуриентларгина талабалар сафидан муносиб ўрин олади, деб ўйлаймиз.

Университетнинг Конституция ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Дилшод Ражабов ҳам кузатувчи сифатида абитуриентларга йўл-йўриқ кўрсатиб турибди.

— Бу йил университетга 6000 дан зиёд абитуриент ҳужжат топширган, — дейди **Дилшод Ражабов**. — Ҳар бир ўринга 10-13 тагача бола тўғри келяпти. Яхши томони, Президентимиз томонидан шу йил 28 апрелда қабул қилинган «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга кўра, талабалар қабул квотасини ошириш белгиланган. Бу йилги қабул квотаси 600 ўринни ташкил этиб, келгусида қонунчиликка биноан қимматлаштирилган тўлов-шартнома асосида қўшимча қабулни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Квотанинг кўпайтирилиши олий юридик таълим оммабоплиги, юридик кадрлар рақобатбардошлиги, суд-ҳуқуқ тизимини кадрлар билан таъминлаш, нодовлат соҳалар, жумладан бизнес тузилмаларнинг ҳуқуқшунос мутахассисларга бўлган эътиёжини қондириш, ҳодимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш ҳисобига юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳамда университетга қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни ОТМ ривожини йўлида сарфлаш имконини яратди.

Халқимизда «Мард майдонда синалади», деган мақол бор. Бу йилги тест синовлари ҳақиқатдан ҳам мардлар синаладиган майдонга айланди, кимнинг билими кучли ва мустақам бўлса, ўша ғолиб бўлади. Билимли ёшлар — талабалардан малакали мутахассислар етишиб чиқади. Улар юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўишади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама



ЗАВОД «KRANTAS» производит и реализует

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site:
www.aytokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Спорт

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган шаҳар кенгаши қошида «Навбахор» ёшлар футбол академияси очилди.

ЁШЛАР ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Шу муносабат билан Наманган тумани Тошбулоқ шаҳарчасидаги марказий стадионда ўтказилган тақдирот маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт фахрийлари, мураббийлар, «Навбахор» футбол клуби ўйинчилари, ёш футболчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда спортни, айниқса, миллионлар ўйини бўлмиш футболни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

— Ташкилотимиз қошида «Навбахор» ёшлар футбол академияси ташкил этилгани вилоятимиздаги барча спорт ишқибозлари, айниқса, миллионлар ўйини мухлислари беҳад хурсанд қилди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган шаҳар кенгаши раиси Анвар Икромов. — Наманганда футболни жуда севишади. Аммо кейинги йилларда вилоятнинг бош жамоаси «Навбахор» клубида ёш футболчиларга эътибор сусайиб кетди. Шу боис жамоа чемпионат ва кубок баҳсларида бирор бир қониқарли натижага эришолмапти. Академияни ташкил қилишдан мақсад «Навбахор» клубини нафақат вилоят,



балки бутун Ўзбекистон учун истеъдодли футболчиларни етиштириб берадиган жамоага айлантиришдир. Барча қўлайликларга эга стадион академия ихтиёрига ўтказилди. Академия «Навбахор» клубининг ёшлар жамоасини тўлиқ тасаруфига олади. 17-болалар ва ўсмирлар «Навбахор-Умид» номли футбол мактаби ҳамда 15-ихтисослашган футбол мактаб-интернати ёшлари академиянинг кадрлар захирасини тўлдириб боради.

Тақдирот маросимида «Навбахор» жамоаси ютуқларига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ футбол фахрийлари, «Навбахор» жамоаси «ўринбосарлар» таркиби ўйинчилари, «Navbakhor-women» қизлар жамоаси, «Навбахор-Умид» футбол мактаби ва 15-футбол мактаб-интернати тарбияланувчилари спорт жиҳозларидан иборат эсдалик совғалари билан тақдирланди. «Навбахор» ёшлар футбол академиясига вилоят ҳокимлиги томонидан «Йсузу» автобуси совға қилинди.

Санъаткорлар иштирокидаги катта концерт дастури тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ,
ЎАА мухбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	°C
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+36/+27	
Бўҳоро ва Навоий вилоятлари	+36/+25	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+38/+27	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+39/+27	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+38/+27	
Тошкент шаҳри	+37/+24	

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838

9236

№№№№

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:55

Topshirilgan vaqt — 23:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-basturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 6